# СИЗНИ БИЗГА ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ ЕТКАЗДИ

## Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримовга!

**Ассалому алайкум!**

Авваламбор Сизнинг қимматли вақтингизни олганим учун узр, Сизни кириб келаётган янги йил, муборак Рамазон ойи билан, шунингдек, 1997 йилда қўлга киритилган қувончли муваффақиятлар билан чин дилдан қутлайман.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни бизга, Ўзбекистон халқларига Яратганнинг ўзи етказди. Бундай дейишимнинг сабаби бор: худойимнинг сизга меҳри шунчалик баланд эканки, халқимизни шундай алғов-далғов вазиятдан кипригига гард юқтирмай олиб чиқиб кетдингиз, турли миллат ва элат вакиллари салоҳиятини юксак ақл-заковатингиз билан бир эзгу мақсадга — юрт озодлиги ва ободлигига йўналтирдингиз.

Мен ҳаётнинг паст-баландини кўрган одамман, тўртта кишининг бошини бир жойда қовуштириш осон иш эмаслигини яхши биламан. Шунинг учун ҳам Сизнинг саъйи ҳаракатларингизни юксак қадрлайман.

Сиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат адолатли, оқилона эканлиги билан бизни мамнун этади.

Сизнинг олийжаноб инсонпарварлигингиз туфайли юртимиз осойишта, осмонимиз беғубор, халқимиз аҳил-тотув. Сизнинг тинчликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни кўтариш, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў ва мавқеини ошириш борасидаги самарали хизматларингиз қошида ҳамиша бош эгамиз.

**Илк бор Президент бўлиб сайландингиз,**
**Сайлана туриб халқ бошидан айландингиз.**
**Оқилона юз тутиб истиқлол сари,**
**Мардлик-ла мустақилликка шайландингиз.**
**Тинчлик-ла эришиб мустақилликка,**
**Давлатни танитишга отландингиз.**
**Жаҳонга қилибон бордикелдини,**
**Неча дўстни бизга бисёр этдингиз.**
**Етим-есирлар бошини силаб,**
**Пешонасидан ўпдингиз.**
**Ногирону — қарияларни**
**Хурматга сазовор этдингиз.**
**Ўтганлар иззатин қўйиб жойига,**
**Руҳларини шод этдингиз.**
**Катта қурилишлар қилиб,**
**Юртни обод этдингиз.**

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Мустақилликка эришганимиздан буён олти йилдан зиёд вақт ўтди. Аммо шу вақт ичида ҳали ўзини йиғиштириб ололмаётган нотинч мамлакатлар бор. Биз эса яратган эгамга минг қатла шукрки, тарихимизни, тарихий шаҳарларимизни жаҳонга кўз-кўз қилиш, қуриш, яратиш йўлидан бораяпмиз. Сизнинг халқ манфаатларини кўзлаб қилаётган ҳар бир ишингизни кўриб, юракдан ҳис қилиб, қўлимиздан келганча шу хайрли ишга кўмаклашиб келмоқдамиз. Сиз айтадиган ҳар бир сўз, Сиз даъват этадиган ишлар бизга кўтаринки руҳ бағишлайди. Ҳа, тўйлар, томошалар, таълимда чуқур ислоҳот ўтказиш, фарзандларини чет эл олий ўқув юртларида ўқитиш бизнинг Ўзбекистонга яраша-ди! Биз бу билан ифтихор қиламиз.

Яқинда Сизнинг чет эллик журналистлар билан суҳбатингизни эшитдик, меҳр-оқибат, одамийлик, ёшларга ҳурмат, кексаларга иззат, онанинг мўътабарлиги, оиланинг муқаддаслиги ҳақида куйиб-ёниб Сиз айтган фикрлар, ҳимояга муҳтож кишиларни доим қўллаб-қувватлаш керак деганингиз, айниқса, бизни тўлқинлантириб юборди, шундай меҳрибон Президентимиз бор, деб тирқираб кўзларимиздан ёш келди.

Умрингиздан барака топинг!

Кириб келаётган йилни Оила йили деб эълон қилдингиз ва ҳар биримизнинг эътиборимизни оилага қаратдингиз. Аслида ҳам ҳаёт оиладан бошланади.

Биз — қариялар бундан руҳ олиб, маҳалла ва оилаларда турмуш, фарзанд тарбияси ҳақида суҳбатлар олиб бораяпмиз, ёшларни тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшаяпмиз.

Агар имкон топилса, менинг ёзганларим газетада эълон қилинса, чунки мустақиллик ҳақида калта ўйлаб юрганлар ҳали топилади, улар менинг дил сўзларимни ўқиб чуқурроқ мулоҳаза юритиб, унинг моҳиятини яхши тушунсалар ажаб эмас...

Сизни яна бир бор янги йил билан чин дилдан қутлайман, узоқ-умр, мустаҳкам соғлиқ, буюк давлат қуриш йўлидаги саъйи ҳаракатларингизда катта муваффақият тилайман.

Сизни Яратганнинг ўзи ҳамиша қўллаб-қувватласин! Янги йил ҳаётимизга файз, янада катта қувончлар олиб келсин!

Элликқалъа оқсоқоллари номидан:

**Худойберган АБДУЛЛАЕВ,**
**меҳнат фахрийси.**
**Элликқалъа туманидаги**
**Ғ. Абдилов жамоа хўжалиги.**
**Қорақалпоғистон**
**Республикаси.**

*Эҳтиром*

*Ҳуррият ҳақиқатлари*

# ЯНГИ КУННИНГ ЖАМОЛИ

**Дунё ҳар куни, ҳар соатда янгиланаверади. Чексиз ўзгараверади. Олам ва одамнинг ярим кучи ўзгариш, ярим кучи турғунлик томонида. Шу сабаб эски билан янги ўртасида мангу кураш мавжуд.**

**«Янги» нима ўзи? Нима янги ўзи? Том маънода янги ёки янгилик бўлган бирор нарса борми? Донишмандларнинг ҳар қандай янгилик яхши унутилган эскиликдир, деганлари бежиз эмасдир.**

**Назаримда, оқаётган сув — янги. Ўсаётган ниҳол—янги. Ўзгараётган кун — янги. Ҳаракатдаги фикр—янги. Оқмай қолган сувни кўлмак дейдилар. У эски. Қуриб қолган чинор, гарчи у баланд ва улуғвор бўлса-да, эски. Кечадан фарқсиз бугун, ўтмишга ўхшаган бугунги кун-эски. Тўнғиб қолган ҳиссиёт, турғун фикр—эски. Эскилик — умри тугаган, ён-атрофга берадиган ҳеч нарсаси қолмаган, сарғайиб-сўлган хазон. Бу хазонни супириб ташлаш керак. Акс ҳолда, у чириб, бадбўй таратади. Эскилик жонсиз жасад. Уни кўмиш лозим. Эскилик билан янгилик ўртасида хотира деган кўприк бор. Шу кўприк туфайли бу хазонлар илгари ям-яшил дарахт бўлганини, жасадлар аждодларимиз эканини ёд этиб юрамиз. Хотира диёридан унутиш юртининг қушларини учириб юборамиз.**

**Ҳар қандай эскилик, таъбир жоиз бўлса, қуриб қолган тўнка. Энди унда ҳаётдан бир асар йўқ. Четга олиб ташланмаса, у энди йўлдан келаётганларни йиқитади. Ҳаёт ҳақиқатлари аччиқ бўлса-да, барчани ўз кучига ишонтиради. Барчани ўз измига бўйсундиради. Ахир, шу тўнка бир пайтлари навниҳол эди. Гуркираган дарахт бўлди. Соя берди. Мева берди. Энди эса тўнка. Начора. Энди давр ундан ўтди. Энди у янгиликка халал бермаслиги керак. Энди...**

**Тўғрисини айтганда, тўнка ҳам, яъни эскилик ҳам азиз. Чунки янгиликка эскилик орқали ўтилади. Шу боис эскилик ҳам изсиз кетмайди. Эскиликнинг хизмати шундаки, у янгиликнинг хамиртуришидир.**

**Атрофга қарайман. Ҳозир кўриб турганим нарсаларни, одамларни кеча ҳам, ундан олдин ҳам, жуда аввалари ҳам кўрганман, кўраман. Ён-атрофдан янгилик қидираман, янгилик кутаман. Гўёки бутун ҳаётим янги бир нарсани кутиб ўтаётганга ўхшайди. Оддий мисол. Ҳар куни ишга битта йўлдан бориб-келаман. Атрофда эса қанчадан-қанча ўзгаришлар, янгиликлар. Мана бу — мамлакатимиз ҳукуматининг янги биноси. Мана бу — Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси. Бу — янги бозор. Янги мактаб — мана бу. Бу — янги кўприк. Ундан кўплар — авлодлар, йиллар, яхшиликлар, эзгуликлар ўтиб-қайтади, бир ёқдан иккинчи ёққа эзгуликлар, яхшиликлар боради энди. Рост айтсам, мен ҳар куни юрадиган мана шу йўл ҳам янгиланган. Кенг ва равон. Янги кўчатлар, янги боғлар, гулзорлар янги, юксак ва музайян бинолар, муҳташам иморатлар — барчаси янги. Янги йўлларимизнинг номлари ҳам янги. Уларда юрган машиналар ҳам — «Тико», «Нексия», «Дамас». Нақшбанд, ал-Бухорий, Яссавий, Амир Темур, Фарғоний, Беҳзод... — бу табаррук ва шарафга кўмилган номлар ҳаётимизга, қалбимизга янгиланиб қайтганини англайман. Эрталаб иш бошлар эканман, турмушимизга кириб келаётган янгидан-янги меҳнат қуроллари, яъни Янгиликни ҳис этаман. Компьютер, факс... Жамоамиз янги компьютерлаштирилган тизимда ишламоқда. Чунки бунинг афзал жиҳатлари кўп. Луғатимиз, нутқимиз, тилимиздаги сўзларга эътибор бераман. Қанчадан-қанча янги сўзлар. Илгари бундай сўзлар ғайриоддий туюлар эди. Бугун эса янги сўзлар мағзини биринчи синфлардаги фарзандларимиз ҳам яхши тушунади. Мен эса хурсанд бўламан. Тилимиз ҳам, фарзандларимиз ҳам янгиланмоқда, бойимоқда. Янгича одам бўлиб, янги ҳаёт қуришмоқда. Бундан севинмай бўладими?**

**Бугун бир, икки киши эмас, бутун мамлакат янгича яшашга, янгиликка интилмоқда. Ватанимизни бутун жаҳон «янги Ўзбекистон» дея эътироф этмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизнинг илк қадамларидаёқ дунё учун янгилик бўлди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани XX асрнинг энг улкан воқеаларидан бири бўлди, десам янглишмайман. Бу оламшумул тарихий ҳодиса ўзгараётган дунёнинг қиёфасини янада янгилади. Жамиятимизнинг янгиланиши, тозаланиши, покланиши жаҳон ҳамжамиятининг янгиланиши ва тозаланишига таъсир этмайдими? Таъсир этмайдими янгиликнинг ривожига, тараққиётнинг таъминланишига? Хўш, нега биз бир кундагина бўладиган эмас, балки ҳар куни бўладиган янгиланишларни, ўзгаришларни истаймиз, шуларга талпинамиз? Чунки янгилик ўз афзалликлари, устунликлари билан эъзозли ва қадрлидир. Янгиликка бўлган эҳтиёжимизни бир кунлик ўзгариш, битта янгилик билан қаноатлантира олмаймиз. Аслида, йилнинг ўзгаришигина янгилик эмас, балки шу йилларда рўй берган, халқимиз тақдирига, Ватанимиз истиқболига янги мазмун, янги нур бахш эта олган воқеа ва ҳодисалар том маъноси билан янгиликдир.**

**Йил ўзгараётир. Йилдан ҳам кўра кўпроқ фикр, тафаккур ўзгармоқда. Қишлоқда бир танишим бор. Оддий деҳқон эди. Бир йилда фермер бўлди, яъни мулкдор. Мол-қўйлари, оти бор. Ҳатто товуқ ҳам кўпайтирган. Каттагина лимонзор ҳам бунёд қилди. Энг қизиғи, вақт топиб, газета-журналларни ҳам мунтазам ўқиб боради. Бир куни янги кун, янги тафаккур тўғрисида бахслашиб қолдик. Бугун янгича одам бўлиш керак, собиқ совет ақидалари билан мутлақо яшаб бўлмайди, дейди у. Мисол қилиб қўшнисини айтди. Эртадан-кечгача эр-хотин сўрида чой ичиб ўтиради. Эр ёнбош ётиб, иссиқ чойни пуфлаб-пуфлаб ичаверади, хотини қўйиб туради. Кўчадан ўтиб-қайтган ёш-ялангнинг ҳам, дунёнинг ғийбати ҳам улардан хафа бўлиб қолмайди. Лекин ҳафтада икки-уч марта ё ўзи, ё хотини қарз сўраб чиқади, дейди у. Бу гапларни эшитиб, эскилик ва янгилик ҳақида, эскиликнинг янгиликка ҳамиша тўғаноқ бўлиши хусусида ўйлаб қолдим.**

**Афсуски, эскича тафаккур нафақат оддий кишиларимиз, балки ҳукуматимиз даражасидаги айрим масъул шахслар дунёқарашида ҳам ҳали-ҳануз мавжуд. Яқинда ўтган Олий Мажлиснинг X сессиясида ҳурматли депутатларимиздан бири сўз олиб, ишлаш учун у йўқ, бу йўқ, у етишмайди, бу етишмайди, қабилида, хуллас камчиликлар тўғрисида эҳтирос билан гапириб қолди. Шунда ушбу сўзларни диққат билан тинглаб турган Президентимиз, худди шу нарсаларни ким тузатади, модомики сиз уларни бартараф этиш борасида ўз нуқтаи назарингизга, ўз мулоҳаза ва таклифларингизга эга эмас экансиз, демак сиз эскичасига яшаётган одамсиз, сиз бугун ҳам эскича усулда яшаяпсиз-ку, сизнинг фикрларингиз эски-ку. Бизга янги фикрлар, янгича фикрлайдиган одамлар керак, деган мазмунда гапирдилар. Шундан билдимки, давлатимиз раҳбари бугун янгилик билан янгиликда яшаяпти. Ҳар бир ватандошимизнинг янги даврга мос янги инсон бўлишини истайди.**

**Ўзбекистон янгиланиб бормоқда. Янгилик сари бормоқда Ўзбекистон. Энди халқимиз ҳам мутлақо янгиланиши зарур. Бугунги даврнинг эҳтиёжи шу. Аслида Ўзбекистон ҳам, ўзбек ҳам жуда қадимий. Бироқ бугунги дунёнинг, бугунги даврнинг эҳтиёжи, талаби хоҳласангиз шарти шуки, ҳар бир ўзбек Ўзбекистонни ҳам, ўзбекни ҳам янгиламоғи зарур!**

**Мен асосан сўзлар билан ишлайман. Касбим шуни тақозо этади. Яхшироқ бир сўз эшитсам, бирор манбадан топиб олсам, жуда севинаман. Яқинда ҳам шундай бўлди. Олий Мажлиснинг X сессиясида Ислом Каримов «бадавлат» деган сўзни ишлатди. Шунда мен бу сермазмун сўзни кўпдан буён эшитмаганимни, ишлатмаганимни англадим. «Бадавлат» — одатда молмулки бисёр бўлган кишига шундай дейилади. Кўчма маънода эса билимдон, илм-маърифатли кишиларга нисбатан ҳам қўлланилади. Юртбошимиз шу ўринда мазкур сўзни жуда зукколик билан ҳар икки мазмунда, шунга қўшимча равишда яна бир маънода қўллаганини аниқ ҳис этдим. Бу эса келажакда давлатимиз янада бадавлат бўлади, деган маъно эди. Албатта, ҳар қандай юрт ва ҳар қандай халқ учун энг катта давлат бу мустақилликдир. Давлатимизнинг энг катта давлати меҳнаткаш, некбин халқимиз, халқимизнинг энг катта бойлиги эса мустақил давлатимиздир. Шу сабабли Ўзбеклар ҳам, Ўзбекистон ҳам бадавлат ва буюкдир.**

**Йил ўзгармоқда. Кечагина 1997 йилда эдик, бугун 1998 йилнинг биринчи кунида бир-биримизни табриклаб, хандон-хушнуд ўтирибмиз. Бугун ҳамма нарса кўзимга янги кўринади. Кўнглимда — сурур, хаёлимда — фикр, кўзимда — нур... Барчаси янги. Эй замондош, сиз ҳам янгиланинг!**

**Ана шу янгиликлар муборак бўлсин!**

Азим СУЮН.

*Ватанни севмак иймондандур!*


# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 1 январь, пайшанба № 1 (22.238).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

**Муҳтарам ватандошлар!**

**Азиз юртдошлар!**

**Аввало, барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбдан мубораксбод этаман.**

**Шу қутлуғ дақиқаларда байрам дастурхони атрофида ўтирган ҳар бир инсоннинг онги ва қалбидан умидбахш ўйлар, эзгу орзулар кечади. Ўтган бир йиллик умр хаёлан сарҳисоб қилинади. Эртанги куннинг ёруғ режалари тузилади.**

**Янги йил байрамининг ўзига хос бир томони бор. Бу пайтда, чақалоқдан тортиб кекса мўйсафидга қадар, кишининг ёшига ёш қўшилади. Янги йил фарзандларимизнинг балоғатга, камолотга яқинлашаётганидан далолат бериб бизни қувонтиради. Нуроний отахонларимиз, мунис онахонларимизни яна ҳам мўътабарроқ, яна ҳам табаррукроқ қилади. Биз уларга янада кўпроқ меҳр билан қарайдиган, эъзозлайдиган, иззат-икромига етадиган бўламиз.**

**Азиз ватандошлар!**

**Ўтаётган йил халқимиз, мамлакатимиз учун ҳар томонлама хайр-баракали, шарофатли йил бўлди. Инсон манфаатлари йили ҳаётимизда ўз самараси, ўз таъсирини берганини кўп мисоллар орқали олис қишлоқларимизда ҳам, катта-кичик шаҳарларимизда ҳам сезиш мумкин.**

**Энг муҳими, 1997 йил юртимизда тинч ва осойишта кечди. Фарзандларимиз қаторига фарзандлар қўшилди. Юртимизнинг янада обод бўлиши учун катта ишлар қилинди. Янги корхоналар, янги иншоотлар барпо этилди, Ватанимиз қудрати ва салоҳиятини, халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилган кўпдан-кўп тадбирлар амалга оширилди.**

**Янги жамиятимизни қуриш, кўзлаган манзилимизга етиш учун анча тажриба орттирдик.**

**Иқтисодиётимиздаги барқарорлик ва ўсиш суръатлари туфайли халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашда, янги босқичга кўтаришда ижобий натижаларга эришдик. Қадр-қиймат, оқибат, аҳиллик, меҳр-мурувват каби миллатимизга мансуб фазилатлар жамиятимиз ҳаётидан тобора мустаҳкам жой олмоқда.**

**Мана шуларнинг барчасини инобатга олганда, бугунги байрам арафасида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон — деҳқонми, ишчими, тадбиркор, ҳарбий ёки зиёлими, эски йилни ўз қилган меҳнатидан рози бўлиб, соф ният билан кузатишга, ўзини эл-юртим олдидаги бурчимни бажардим, деб ҳис қилишга, Янги йилга оқ кўнгил билан қадам қўйишга ҳақлидир.**

**Муҳтарам юртдошлар!**

**Умид қиламанки, Янги йил 1997 йилдан асло кам бўлмайди, иншоолло. Тангри Таолонинг ўзи бизнинг йўлимизни очиб, янги-янги имкониятлар яратмоқда. Йил бошида қилаётган эзгу тилакларимиз, пок ниятларимиз ижобат бўлиши шубҳасиз. Бошлаган савобли ишларимизни давом эттириш йўлида янги йил муҳим босқич бўлишига аминман.**

**Мамлакатимизда 1998 йил Оила йили деб эълон қилинди. Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Агар оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.**

**Оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.**

**Мен кўп миллатли мамлакатимиз халқини улуғ ва аҳил бир оилага ўхшатаман. Шу табаррук оиланинг кундалиқ ҳаётида ёруғ ва хурсандчилик кунлар қанча кўп бўлса, мен ўзимни шунчалик бахтиёр деб ҳис қиламан.**

**Азиз биродарлар!**

**Янги йил муборак Рамазон ойининг биринчи кунида кириб келаётгани сабабли айниқса қадрлидир. Кўҳна тарих шоҳидлик берганича, бундай ноёб ҳодиса сўнгги марта бундан қарийб тўрт юз йил муқаддам содир бўлган. Янги йилни маънавий-руҳий покланиш билан бошлаётганимиз замирида катта ҳаётий маъно мужассам. Ҳар ишга поклик, олижаноб ниятлар билан қўл уришни халқимиз бахт-саодат белгиси, деб билади.**

**Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!**

**Янги йилингиз қутлуғ бўлсин! Рамазон айёмингиз муборак бўлсин!**

**Янги йилда ҳар бир хонадонга қут-барака берсин! Кексаларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ёшларимизнинг камолини берсин!**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, осойишталик, фаровонлик, куч-ғайрат тилайман.**

**Тинчлик-омонлик, бахт-саодат доимо ҳамроҳингиз бўлсин!**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Озарбойжон республикасида бутун дунё озарбойжонларининг бирдамлик куни нишонланди.*

☑ *АҚШ ва саноати ривожланган бошқа 12 мамлакат молия вазирлари ҳамда банк бошқарувчилари Кореяга молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилишди. Улар январь ойининг бошидаёқ ушбу мамлакатга 8 миллиард доллар маблағни етказиб беришмоқчи.*

☑ *Тель-Авивда Германия фуқароси қўпорувчилик ҳаракатида айбланиб, судланмоқда. 26 ёшли Стивен Йозеф Смирак ноябрь ойида Тель- Авив аэропортида ҳибсга олинган эди.*

# ЙЎЛБАРС ЕТАКЛАГАН ЕТАР МУРОДГА

Бир йил ҳукмронлик қилган «Сигир» яхши кунлар келиши илинжида ҳаммамиз билан хайрлашди. Бугундан бошлаб катта куч ва саодат тимсоли бўлган Йўлбарс «тахтга» ўтириб фаолиятини бошлаб юборди. Хўш, Йўлбарс йилидан қандай марҳаматларни кутиш мумкин? Бу йил инсонларга омад, бахт келтираркин? Буни билиш учун Йўлбарснинг туриш-турмуши ва феъли билан ошно бўлишга тўғри келади. Боиси, ким қайси мучалига мансуб бўлса, ундаги сифату хосиятлар одамда ҳам ўз ифодасини топади, деган ривоятлар бор.

Йўлбарснинг хосиятли экани, бахт, шон-шуҳрат, фаровонлик элчиси, деб баҳоланиши бежиз эмас. Унинг тимсоли узоқ ўтмишда ҳам ардоқланган. Бўлмаса, қадимий шаҳар Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқига ҳамлага отилган йўлбарснинг тасвири туширилармиди? Олимларимиз турли қазишмалар чоғида шернинг ҳам изи борлигидан маълумот бермоқдалар. Бир сўз билан айтганда Йўлбарс феълига кўра ўт-олов белгисидир. Унга қуёш раҳнамолик қилади. Мунажжимлар наздида ҳам олдинги қаторлардан жой олган. Кўриниши ҳукмдор, сийрати бой ҳисобланади. Унинг бирдан-бир фазилати — саховатпешаликдир.

Йўлбарснинг кўнглини ола билиш керак. Эътиборталаб жониворлардан саналади. Ана шунда у сизнинг хизматингизда бўлади, хожатингизни чиқаради, хайрли ишларга қўл уради. Зеро, Йўлбарс қутилмаганда ҳамлага ўтишини зинҳор унутмаслик даркор. Унинг табиатида улуғворлик, раҳбарлик мужассам. Гурунгларда ҳаммани ўзига қаратади. Муҳаббат бобида ҳамиша ҳалоллик йўлини танлайди. Ўзининг ажабтовур қобилиятларини уйғунлаштиришга уста бўлади.

Йўлбарснинг бир нозик жойи бор, у ҳам бўлса, унинг билганларини, донишмандлиги ва ҳимматли эканини беписанд қолдиришдан қаттиқ ранжийди. Йўлбарс мучалига мансуб кишилардан ажойиб ташкилотчи ва раҳбарлар чиқиши мумкин. Хўжаликни яхши юритишади. Қизиғи шундаки, бундай мучалдаги аёлу эркаклар ўртасида бевалар жуда кам бўлади. Бу ҳаммаси Йўлбарснинг муҳаббатга бўлган муносабатидандир. Яна бир сифати кечиримли бўлишида. Ўзларига топширилган иш учун масъулиятни ҳис этадилар. Ҳамиша мақсадга интилиб, эзгу ният йўлида ҳаётбахш нафас олишга уринадилар.

Йўлбарслар яшайдиган уйларга ўғриларнинг келмаслиги сув ва ўт балосидан холи бўлиш, алданмаслик ҳолатлари кузатилган. Демак, Йўлбарс йилида Ватан деб эъзозланувчи юртимизда турмушимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, барқарорлик ҳукм суришига умид қилсак бўлади.



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
## ҚАРОРИ
# МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак Ҳаж амалларини адо этишда қулайликлар ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 1998 йилги Ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Муборак Ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг жойлардаги бўлинмалари вакиллари иштирокида кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги эътиборга олинсин.

2. 1998 йил Ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита бевосита ёрдам кўрсатсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (А. Рўзметов) 1998 йил март-апрель ойларида зиёратчиларнинг Жидда шаҳрига бориб-келишлари учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг харажатларини камайтириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов), Давлат божхона қўмитаси (Ў. Комилов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ш. Каримов) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. Ўзбекистон «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси (З. Файзиев) ва «Ўзбекбирлашув» уюшмаси (Ф. Бурхонов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг буюртмаларига асосан, зиёратчилар учун керакли буюмлар савдосини жойларда ташкил этсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (Р. Азимов) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1400 (бир минг тўрт юз) АҚШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори конвертация қилинсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

10. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоидаси, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Баҳодиров ва Бош вазирнинг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммаларига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 31 декабрь.

# САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз жаноби олийларига биродарона табрик ва самимий тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Ушбу улуғ айём кунларида Аллоҳ таъоло барчанинг тутган рўзалари ва амалларини қабул қилиб, Сиз жаноби олийларига ва барча ислом умматига хайрлик, иймон ҳамда баракот ато этишини сўрайман.

Биродарингиз,

**Икки муқаддас Масжид ходими Фаҳд бин Абдулазиз ОЛ САУД, Саудия Арабистони подшоҳи.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муқаддас Рамазон ойи бошланишини сабрсизлик билан кутар эканман, Қуръони шариф нозил бўлгани муносабати билан Қувайт халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Ўзбекистон халқига энг яхши истакларни йўллаш менга зўр мамнуният бағишлайди.

Аллоҳ Сизни ва мамлакатингизни шон-шараф ва гуллаб-яшнашга, шунингдек, бутун мусулмон оламини қадр-қимматга нойил қилсин.

Энг яхши истаклар билан,

**Жобир ал Аҳмад Ас САБОҲ, Қувайт давлати амири.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон ойини кутиб олар эканмиз, Аллоҳдан тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Шу муносабат билан Сизга ва мамлакатингиз халқига рўзанинг кўнгилли ўтишини тилаймиз, бунинг учун Аллоҳ Сизни тақдирласин.

Бутун мусулмон оламига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**Қобус бин САИД, Уммон султони.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий табрикларимизни йўллашдан мамнунмиз. Аллоҳ таборака ва таъолодан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, офият ҳамда қардош халқингиз орзу-истакларининг рўёбга чиқишини, хайр ва барака ато этишини тилаймиз.

Мўминларни рўза тутиб, ўз қалбларини Аллоҳни эслашга қаратган ушбу улуғ айёмларда қодир Аллоҳ мусулмон халқларимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган муштарак фаолиятимизга мададкор бўлсин. Аллоҳ таъоло қибламизни бир қилганидек, мақсадларимизни ҳам бирлаштириб, башариятга барқарорлик ва осойишталик ато этсин.

Эҳтиром ва эзгу ниятларимни қабул этгайсиз.

**Биродарингиз ҲАСАН II, Марокаш подшоҳи.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон ойи бошланишидан фойдаланиб, жаноби олийлари, Сизга энг яхши истакларимни йўллайман ва қардош мамлакатингиз халқига муваффақиятлар тилайман.

**Ҳурмат билан, Зоид бин Султон Ол НАҲАЙЁН, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Сиз жаноби олийларига шахсан ўз номимдан ва Иордания ҳошимийлар подшолиги халқи ва унинг ҳукумати номидан бу муқаддас ой Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига, бутун мусулмон оламига равнақ ва фаровонлик келтиришига умид билан энг яхши истакларимизни билдириш менга мамнуният бағишлайди.

**ҲУСАЙН I, Иордания Ҳошимийлар подшолиги подшоҳи**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ижозат берсангиз, муҳтарам олий ҳазратлари, мен Сизни ва халқингизни муборак Рамазон ойи билан чин қалбимдан табриклаб, Сизга сиҳат-саломатлик ва ишингизга ҳамиша ривож тилайман.

**Мактум бин Рашид ол НАҲАЙЁН, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий табрик ва истакларимни йўллашдан мамнунман.

Ушбу улуғ айём кунларида Аллоҳ Азза ва Жалладан барчанинг солиҳ амалларини қабул этишини, Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва барча Ислом умматига шараф, равнақ ҳамда мустаҳкамлик ато этишини сўрайман.

Биродарингиз,

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз ол САУД, Саудия Арабистони подшоҳлигининг валиаҳди, бош вазир ўринбосари, миллий гаврдия бошлиғи.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ижозатингиз билан мен Сизни муборак Рамазон ойи билан чин қалбимдан табриклайман, Сизга ва ватандошларингизга соғ-саломатлик ва ривож тилайман.

**Султон бин Зоид ол НАҲАЙЁН, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари.**

*Ўзгаришлар шабадаси*

## ОИЛА ЙИЛИДА ЯНГИ ОИЛА

***Денов тумани нефть маҳсулотлари корхонаси Янги — 1998 йил — Оила йилининг биринчи кунини ўзига хос байрам билан бошлади. Корхона ёш йигит-қизнинг оила қуришига ҳомийлик қилди. Келин-куёв тўйида корхона раҳбарлари Жалолиддин Қосимов ва Абдураҳмон Тўраев қамишдан бел боғлаб хизмат қилдилар.***

**Содиқ СУЛТОН.**

## ОТ КИШНАГАН МАЙДОНДА

***Қаршидаги таъмирланган отчопарда Ҳосил байрами нишонланди. Ватанга 327 минг тонна дон, 420 минг тонна пахта етказиб берган Қашқа воҳаси миришкорларининг ютуқлари билан вилоят ҳокими О. Пармонов қизғин қутлади. Бу борада юқори натижага эришган Касби тумани дала меҳнаткашларининг ғайрати алоҳида таъкидланди. Шу куни улкан майдонда отлар кишнаб, қизғин кўпкари баҳслари давом этди. Илғорлар, ғолиб полвону чавандозларга совринлар топширилди.***

**Юнус УЗОҚОВ.**

*«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

## ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИМИ?

*Газета таҳририятига бир гуруҳ газетахонлар мурожаат қилишиб, Жиззах вилояти газ тақсимлаш шаҳобчаларида газ камлиги ҳақида шикоят қилишганди. Бу ариза Республика Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига юборилди. Улардан қуйидаги жавоб олинди.*

*«Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига жўнатилган мурожаатда баён қилинган, Жиззах вилоятидаги газ тақсимлаш шаҳобчаларидан чиқаётган газ босимлари белгиланган кўрсаткичларга мос келмаслиги ва бунинг оқибатида истеъмолчиларда норозилик пайдо бўлаётгани ҳақидаги фактлар ҳақиқатан ўринли.*

*Газ тақсимлагич шаҳобчаларининг эгаси бўлмиш «Ўзтрансгаз» ДБ шартномада кўрсатилган газ босимини таъминлаш ҳақидаги бизнинг бир неча бор қилган мурожаатимизга қарамай «Жиззахгаз» вилоят бошқармасининг табиий газга бўлган қарзларни важ қилиб, газ босимини барқарорлаштиришдан бош тортмоқда. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда шундай муаммо мавжуд ва «Жиззахгаз» вилоят бошқармаси «Ўзтрансгаз» ДБга олинган газ учун ҳақ тўлашга рози. Лекин газ истеъмолчилар, жумладан аҳоли томонидан ҳақ тўланмаётганлиги туфайли буни амалга ошириш имконияти бўлмаяпти. Шу сабабдан вазирлик «Жиззахгаз» вилоят бошқармасига қарздор истеъмолчиларни газ таъминотидан узиб қўйиш ҳақида кўрсатма беришга мажбур бўлди. Табиий газ узатиш барқарорлигини таъминлаш учун вилоят ҳудудида 1997 йилнинг 10 декабрь ҳолатига кўра 52 та саноат корхонаси ва 598 та маиший-коммунал муассасалари газ таъминотидан узиб қўйилди ва бу ишлар давом эттириламоқда.*

*Газ таъминотини яхшилаш учун чора-тадбирлар кўриламоқда.*

**В. МИХАЙЛОВ.**
**Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири.**

## ВАТАН ХАРИТАСИ

✔ *1997 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.*

*Мажлисни Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси, мамлакат Президенти Ислом Каримов бошқарди.*

*Мажлисда Наманган вилоятида жиноятчиликнинг ўсиши ва жиноят билан боғлиқ вазиятнинг ёмонлашуви, Куролли Кучлар қурилиши режасининг бажарилиши, шунингдек, келгуси йилда Миллий хавфсизлик кенгаши фаолиятининг асосий йўналишларига доир масалалар кўриб чиқилди.*

* * *

✔ *Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида анъанавий «Президент арчаси» байрами бўлиб ўтди. Бу тадбир меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, шаҳримизнинг кўпгина мактаблари ўқувчиларига олам-олам қувонч бахш этди.*

* * *

✔ *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонини ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини ҳаётга татбиқ этиш, таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим муассасалари профессор-педагог ходимлари сафидан етук ўқитувчилар тайёрлаш, уларнинг ривожланган, демократик хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларни ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет эллларда тажриба орттириши қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Устоз» республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди.*

* * *

✔ *Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири, ташқи иқтисодий алоқалар вазири, молия вазири, республика Марказий банки бошқаруви раиси, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари билан учрашди.*

*Мамлакатда йилнинг охирида вужудга келган умумий иқтисодий вазият, хўжалик ва молиявий фаолиятда, ижтимоий соҳада бозор ислоҳотларини амалга оширишнинг аниқ йўналишлари муфассал тавсифлаб берилди.*

* * *

✔ *Янги йил арафасида Давлат фан ва техника қўмитаси Ўзбекистон Президенти давлат стипендиатларига анъанавий диплом топшириш маросими бўлди.*

*Президентнинг «Ўзбекистон ёш олимларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг махсус низомида белгилаб қўйилган беш йўналиш бўйича мамлакат бош стипендияси беш аспирантга берилди.*

* * *

✔ *Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Шу муносабат билан мазкур юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси аъзолари Фарғона вилоятида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.*

*Байрам мушоираси*

## ҚУТЛОВ

Дўстлар келди яна Янги йил,
Ер-у кўкда минг хил жило ранг.
Туйғулардан ҳаприқади дил,
Самолардан сассиз бир жаранг.

Дилда шукуҳ, чеҳралар гулгун,
Дўст-у ёрлар бўлди жамулжам.
Кенг даврага меҳмондур бугун
Ҳатто ўрмон маликаси ҳам.

Кундуз ўтиб киради оқшом,
Шаҳдам қадам ташлайди ҳаёт.
Янги йил бу, энг нурли айём,
Бу янги шеър, бу янги баёт.

Юксакларга боқаман тўйиб,
Ғоят гўзал юлдузли осмон.
Толганини ўртага қўйиб,
Ҳар хонадон кутади меҳмон.

Истагим шул: завқларга тўлиб,
Баҳра олинг ҳаётдан, фақат.
Ўзингизга ўзингиз бўлиб,
Хасталарни чиқарманг ёддан.

Бир зум унут бўлганда қадар
Завқ берган пайт даврa зиёси.
Ёдга тушсин она ва падар,
Муқаддасдир улар сиймоси.

Кимдир тўкиб турган бўлса ёш,
Меҳрингизни тутмангиз дариг.
Айнан бугун биздан замондош
Жасоратлар кутмоқда тарих.

Давлар келди шодмон, файзиёб
Бир лаҳзага яйра эй, Турон...
Қий-чув қилиб ва айлаб шитоб
Бола-бақра ўйнар қорбўрон.

Нурли тилак, жўшқин дил билан
Яшагайман, ҳушдир ҳар оним.
Мен қутлайман Янги йил билан,
Сени она Ўзбекистоним.

*Анвар ТОҒАЕВ.*

**Байрам қувончи.** **Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## 12 РАҚАМИНИНГ ХОСИЯТИ

Лаҳзалар... бунча тез айланмаса соат миллари.

Умр карвони — «Шолғом тортиш» эртагига ўхшайди ғўё, кунлар ҳафталарни, ҳафталар ойларни, ойлар йилларни, йиллар,асрларни тортиб кетаверади. Бугун қирқ ёшга кирган киши эртага қирқ бирга чиқади. Аммо ана шу бир рақами бизга қисқа фурсат бўлиб туюлса-да, арзимаган бир дақиқа инсон ҳаётини тўхтатиб қўйиши ёки энг кўзга кўринмаган заррача бутун ер юзини бир дақиқада остин-устун қилиб ташлаши мумкин.

Бир йил бизга ҳеч нарса ҳадя этолмагандай назаримда, лекин кимнинг нима иш қилгани унинг ўзига боғлиқ. Вақт ғилдирагига кўз ташлаганимизда бунга қайта-қайта амин бўламиз.

Янги йилимиз 31 декабрь соат 12 дан бошланса, демак янаги 31 декабрь12 гача соатнинг вақт кўрсаткич таёқчаси 730 марта 12 рақамини кўрсатар экан. Яъни 365 кундуз соат 12, 365 марта кеч соат 12. Бир йилда 12 марта ой алмашса, бир мучал бир айланиб келгунча инсон боласи 12 ёшга тўлар экан. Инсон вужудида ҳам шундай ўхшашликнинг ғувоҳи бўлдик. 6 та жуфтлик (кўз, қош, бурун тешиклари, қулоқ, қўл, оёқ) да ҳам 12 рақами келиб чиқар экан. Эътибор берган бўлсангиз вақтда, йилда, мучалда, инсон вужудида 12 рақами айланиб юраверар экан. Шунинг учун бўлса керак 12 рақамини хосиятли рақам дейишади.

Шундай экан, бокира йилнинг, яъни 1998 — янги йилнинг бошланган 12 рақамлари барчамизга яхши кайфият олиб келсин. 1998 йил «Оила йили» хонадонларимизда тўкин-сочинлик, қут-барака, оилавий хотиржамлик йили бўлсин. Юртимизда осойишталик, тинч-фаровон ҳаётнинг гўзал куй-қўшиқлари баралла янграйверсин.

**Дилфуза НОРМУРОДОВА.**

*Байрам мушоираси*

## ХАЙРЛАШУВ

Дарахтдан битта барг
узилган мисол —
Тарих дарахтидан чирт узилди йил.
Кафтига кафт қўйиб
бераман савол —
Неларга йил ичра
бўлолдим майил? !

Хайрлашув чоғи кечади оғир,
Ўртамизда турар виждон-тарози.
Ким қўл силтаб кетар,
бўлиб норози —
Менми ёки мендан
ўксиб қолган йил...

Иккимиз кунларни этиб сарҳисоб,
Бир пас талашамиз, қиламиз араз.
Тарозуга тошдек неча минг азоб —
Чекканим кўяман. Йил ҳам бегараз.

Эканин айтади, ичади қасам.
Кўриб кўзга армон
келтирган ёшни,
Жовдираб, мўлтиллаб
бўлади мулзам
Ва аста қўяди кўксимга бошни.

Эсимга оламан зафарларимни,
Элга нафи теккан ишу меҳнатни.
Йил ҳам улоқтириб
барча миннатни,
Мозийга оқизар ғам,
дардларимни.

Йил ва мен турамиз рўбарў яна,
У аста жилади остона ҳатлаб.
Ортидан қарайман юрагим ёна,
Уни кутар тарих аталмиш мактаб...

*Нодира РАШИДОВА*

# БАНК — ДАВЛАТНИНГ ТАЯНЧИ

*Истиқлол одимлари*

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни фаол амалга оширувчи асосий воситалардан бири — бу банклардир. Жиззах вилоятида ҳам марказий банк бошқармаси раҳбарлигида ИАТ «Пахта банк»и, ИАТ «Тадбиркор банк»и, ИАТ «Савдогар банк»и, ИАТ «Ғалла банк»и, ИДАТ «Асака банк»и, ИДАТ «Замин банк»и, ИАТ «Уй-жой жамғарма банк»и, ТИФ «Миллий банк»и, ИАТ «Мевасабзавот банк»и ва «Халқ банк»лари фаолият кўрсатмоқда.

Тижорат банклари корхона ва ташкилотларга намунали хизмат кўрсатиш билан бир қаторда пул-кредит сиёсати ишларини ҳам изчил амалга оширмоқда. Пул эмиссиясини қисқартириш, иш ҳақининг кечикишига йўл қўймаслик мақсадида доимий тушумга эга бўлган корхона ва ташкилотлар билан иш олиб борилмоқда. Вилоят аҳолисининг автомобилларга бўлган талабини тўла қондириш ва ҳар хил русумдаги автомобилларнинг автомагазинда узлуксизлигини таъминлаш мақсадида «ЎзДЭУАвто» қўшма корхонасига «Асака банк» томонидан имтиёзли кредит маблағлари ўтказиб берилган. Ана шунинг ҳисобига «Автотеххизмат» акционерлик жамияти томонидан турли русумдаги автомобиллар сотуви йўлга қўйилди. Бу эса ўз навбатида вилоятда пул эмиссиясини қисқартиришга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда.



Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичидаги устувор вазифалардан бири — тижорат банклари томонидан кредит маблағларини ишлаб чиқаришнинг структуравий ўзгаришига йўналтирилиши, хусусий мулкка асосланган кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун ёрдам беришдир.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида вилоят тижорат банклари ўз кредитлари билан аҳолига ёрдам бермоқда. «Тадбиркор банк» бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалигига, саноатга, савдога ва бошқа корхоналарга йил давомида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратиб берилган.

Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш учун олиб борилаётган ишларга ёрдамлашиш мақсадида вилоятимиздаги ғалла етиштирувчи хўжаликларга 1998 йил ҳосили учун бир неча босқичда аванслар берилди.

Шаҳримиз кўркини очишда, аҳолига қулай хизматлар кўрсатишда, уй-жойга бўлган танқисликларни ҳал қилишда ҳам банкларимиз ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, Жиззах «Уйжойжамғармабанк» бўлими Президентимиз Фармонини бажариш мақсадида қурилиши тугалланмаган 12 ва 40 хонадонли уй-жой қурилишини бошлаб юборди.

1997 йил давомида вилоятда «Пахта банк», «Савдогарбанк», «Ғалла банк»ларнинг янги бинолари қурилиб ишга туширилди. Бу қурилишлар банкларнинг соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилди. Қурилган биноларда мижозларга энг замонавий сервис хизмати кўрсатиш учун ҳамма қулайликлар яратилган.

Вилоят «Пахта банк»и бошқармаси ташаббуси билан Зомин туманидаги Даштобод шаҳарчасида ишга туширилган «Мини банк» ҳам 1997 йилдаги ютуқларимиздан биридир дейишимиз мумкин.

Файласуфлар айтишадики, «Банклар давлатларнинг эртасини белгиловчи таянч нуқталаридан биридир». Дарҳақиқат, давлатнинг иқтисоди қанчалар мустаҳкам бўлса, унинг келажаги ҳам шунчалик порлоқ бўлади. Шундай экан, биз жиззахлик банкирлар ҳам мустақил Ватанимиз истиқлоли йўлида қилаётган хизматларимизни, янги — 1998 йилда янада такомиллаштиришга ҳаракат қиламиз.

**Баҳриддин БЕГЖОНОВ,**
**Марказий банкнинг**
**Жиззах вилояти бўйича**
**Бош бошқармаси бошлиғи.**

## НОМАЪЛУМ МОДДАЛАР АНИҚЛАНДИ

*Маълумки, қадим-қадимдан шарқ табиблари кўк чойни энг шифобахш ичимликлардан бири сифатида эътироф этишган. Яқинда АҚШдаги Каназ университети олимлари кўп йиллик тадқиқотлардан сўнг кўк чой таркибида инсон саломатлиги учун фойдали, бироқ фанга ҳали номаълум бўлган зарур моддалар борлигини аниқлашди. Шунингдек, тажриба кўк чой таркибидаги «Энгиаллокатехин галлате» моддаси С витаминидан юз баробар, Е витаминидан эса йигирма беш баробар кучли эканини кўрсатди.*

*Университет профессори Лестер Митшернинг таъкидлашича, бу моддалар одам организми тўқималарини ташқи зарарли таъсирлардан ҳимоя қилибгина қолмай, саратон ва юрак-қон томир касалликларига чалинишдан ҳам бир қадар сақлайди.*

## ТАШАББУС ЎЗЛАРИДАН ЧИҚДИ

*1998 йилнинг апрелидан бошлаб Япония телевидениесида тамаки маҳсулотларини реклама қилиш мутлақо тўхтатиладиган бўлди. Бу ташаббусни мамлакат тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари кўтариб чиққани эса, албатта, таҳсинга лойиқдир. Бу, биринчи навбатда, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ўсиши учун катта хизмат қилиши турган гап.*

*Маълумки, Японияда 1985 йилдан буён сигарет рекламалари ойнаи жаҳонда фақат кечқурунлари намойиш этилар эди.*

## ОДАМЛАР ҚИЗИҚМАЙ ҚЎЙДИ

*XX аср мўъжизаларидан бири, шубҳасиз телевидениенинг кашф этилишидир. Нью-Йоркдаги Нилсон тадқиқот маркази мутахассисларининг аниқлашича, кейинги вақтда америкаликларда бу «мўъжиза»га қизиқиш тобора сусайиб бораётир. 1996 йили америкаликлар бир кунда теледастурларни 1995 йилга нисбатан 10 минут кам томоша қилишган. Бундай «пасайиш»нинг йил сайин ошиб бориши кутилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, бу яхшилик аломати экан.*

*Нилсон тадқиқот маркази хизмати 1949 йилдан бери одамларнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган қизиқишларини тадқиқ этиб келади. Мазкур хизмат вакилларининг таъкидлашича, улар илк бор бу соҳада иш бошлаганларидан бери одамларнинг ахборот олиш воситаси, хусусан, телевидениега бўлган қизиқишларининг сусайиши илк бор кузатилаётир.*

# «ЯНГИ ЙИЛ» ЎЙЛАНМАСИ




Азиз муштарийлар!

Қуйида таърифланган сўз ва номларни топиб, шаклга рақамли хонадан «занжир» айрилари кесишган ҳолда ёзиб, ўйланмани ҳал этинг.

1. Эрамиздан икки минг йил муқаддам яратилган шарқ халқларига мансуб мучал ҳисоби бўйича бошланаётган йилнома. 2. Якунланган йилда нашр этила бошлаганлигининг олтмиш беш йиллигини нишонлаган республикамиз вақтли нашри. 3. Кун чиқиш пайти, субҳидам. 4. Қуёшнинг ўртача вақтига кўра дунё вақти деб қабул қилинган Ер курраси-нинг бошланғич (нолинчи) меридиани ўтган Лондон яқинида жойлашган обсерватория. 5. Торли мусиқа асбобларида чалинадиган ўзбек халқ рақс куйи. 6. Якунланган йилда фойдаланишга топширилган мамлакатимиздаги нефть корхонаси. 7. Фарғона водийсида бунёд этилган довон. 8. Халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлган ёш шахматчимиз. 9. Қишлоқларда Янги йил айёми арафасида оила бошлиғи «тинчлик, бахт ва саломатлик рамзи» сифатида бир қучоқ похолни ёйиб қўйиш одатига амал қилинадиган Овруўпадаги мамлакат. 10. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 11. Қўшиқ билан ижро этилган Хоразм воҳасига мансуб шўх рақс куйи. 12. Ўзбекистон футбол чемпионатининг сўнгги, энг моҳир тўпурари. 13 Халқ мақолидан: «...ғаним-ат, ўтса — надомат». 14. Йилнинг ой-кунларини ҳисоблаш тизими. 15. Янги йил элчиси сифатида хонадонларга қўлида бурнаки, чақмоқтош ва қамчи кўтарган ҳолда Чўпон кириб келувчи Осиёдаги мамлакат. 16. Ҳажвий киножурнал. 17. Таваллудининг 790 йиллиги нишонланган форс мумтоз шоири. 18. Воқеа-ҳодисалар даврма-давр ёзиб қолдирилган манба. 19. Арабистон ярим оролининг жануби ва шарқида жойлашган мамлакат пойтахти. 20. Таваллудига 680 йил тўладиган, сўфийлик тариқатларидан бирига асос солган шайх, динимиз раҳнамоси. 21. Ўзбекистон Республикаси олий нишонларидан бири. 22. Ҳамдўстликдаги давлат пойтахти. 23. Шу куннинг даъватидан: «Шу азиз ... — барчамизники». 24. Бир авлод-аждодга мансуб кишилар гуруҳи. 25. Туғилган кунига 515 йил тўладиган ўзбек мумтоз шоири, олим, давлат арбоби, саркардаси. 26. Таваллудига 120 йил тўладиган маърифатпарвар шоир Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида «савоб ишларни қилиб, гуноҳ ишлардан сақланиш, адабнинг кони, руҳнинг дармони», — деб таъриф берилган фаолият. 27. Дунё қитъаларининг энг кучли футбол жамоасини аниқлаш ўйини ўтказиладиган, Янги йил биринчи бўлиб кутиб олинадиган мамлакат пойтахти. 28. Бошланаётган йилга она-Ватанимизда берилган ном. 29. Шамсия йили ҳисобидаги саккизинчи ойнинг араб тилидаги номи. 30. Мамлакатимиз ҳаво йўлларида парвоз этаётган дунёга машҳур хорижий самолёт русуми. 31. Ҳинд халқининг муқаддас дарёси. 32. Давлат рамзларидан бири. 33. Таваллудига 1025 йил тўладиган Марказий осиёлик атоқли қомусий аллома, «Маъмун академияси» асосчиларидан бири.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ**

*Рассом кулгиси*

**Қорбобо: — Янги йил кутаман деб қоровул мени бир соатга қўйиб кетган эди, бир кеча-кундуз қолиб кетаман шекилли.**

***Абдурасул Ҳакимов чизган расм.***

*Қатра хандалар*

## МУҲЛАТ БЕРИНГ

Судья судланувчига деди:

— Айбдор эмаслигингизни исботлай оласизми?

— Гап бўлиши мумкин эмас, фақат муҳлат беринг.

— Розиман, етти йил бераман.

## ИККИ КАРРА КЎП

Эндигина иш бошлаган прокурор суд залига қараб:

— Жаноблар! Айбланувчи «Оқ Джо» 24 та чўчқани ўлдирди. Ўйлаб кўринг, бу залда тўпланганлардан икки марта кўп-а?

*Байрам ҳазиллари*

## ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ ҚАЕРДА КУТАДИ?

**Таксичилар —** ***вокзалда***
**Қўшиқчилар —** ***саҳнада***
**Сухандонлар —** ***телевизорда***
**Сомсачилар —** ***бозорда***
**Аёллар —** ***ошхонада***
**Навбатчилар —** ***ишхонада***
**Чўпонлар —** ***тоғда***
**Севишганлар —** ***боғда***
**Олибсотарлар —** ***кўчада***
**Новвойлар —** ***тандирда***
**Ошпазлар —** ***ўчоқда***
**Киракашлар —** ***йўлда***
**Овчилар —** ***кўлда***
**Чол-кампирлар —** ***уйда***
**Отарчилар —** ***тўйда***
**Сайёҳлар —** ***ғорда***
**Дорбозлар —** ***дорда***
**Космонавтлар —** ***ойда***
**Молбоқарлар —** ***сойда***
**Ёқувчилар —** ***ўтхонада***
**Чопарлар —** ***отхонада***
**Аскарлар —** ***армияда***
**Сувчилар —** ***далада***
**Мастлар —** ***хушёрхонада***
**Кондукторлар —** ***автобусда***
**Раислар —** ***шийпонда***
**Финалчилар —** ***Францияда***
**Қолганлар —** ***«Армон»да***
**Ўғрилар —** ***катакда.***

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**


# ЎЗБАЛИҚ

Давлат ҳиссадорлик корпорацияси жамоаси

Ўзбекистон халқини 1998 йил айёми билан самимий қутлайди! Юртимизда ҳамиша тинчлик-омонлик, дастурхон тўкин бўлишига, ҳар оиладан бахт ва шодлик аримаслигига тилак билдиради!



"ЎЗБАЛИҚ" ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ ЖАМОАСИ.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ЙЎЛОВЧИ" СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ**

Мамлакатимиз аҳолисини Янги йил айёми билан қизғин ва самимий муборакбод этади!

**Қадрли ватандошлар!**

Оила йили янги, улкан ўсиш — ўзгаришлар йили бўлиб тарихда қолсин!

Ўзбекистон Республикаси "Йўловчи" суғурта компанияси.



## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сизларни 1998 йил 14 январь куни соат 11.00 да республика Биржалар марказида бўлиб ўтадиган навбатдаги

**КИМОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Савдога қуйидагилар қўйилади:

**1. РАФ 2203 автомашинаси. Давлат рақами 10 АА 767. Бошланғич баҳоси 183770 сўм.**

**2. АЗЛК 2141 автомашинаси. Давлат рақами 73-11 ТНБ. Бошланғич баҳоси 160 минг сўм.**

**3. ИЖ 2715 автомашинаси. Давлат рақами 88-08 ТНН. Бошланғич баҳоси 50 минг сўм.**

Мазкур мулкларга харидор жаноблар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Бухоро» (олдинги «Правда Востока») кўчаси, 8-уй. Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29. Факс: 136-26-26.**



**Халқаро Шароф Рашидов фонди жамоаси янги йил байрами билан республикамиз фуқароларини муборакбод этади.**
**Оила йилида барча оилаларга файзу барака тилайди.**

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ҲУДУДИДАГИ БАРЧА ВИЛОЯТЛАР, ТУМАНЛАР, ВАЗИРЛИКЛАР, КОРПОРАЦИЯ ВА КОНЦЕРНЛАР, КАТТА-КИЧИК ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, ФИРМАЛАР, ЖАМОА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ

**ДИҚҚАТИГА!**

Халқаро Шароф Рашидов фонди меҳнат аҳли қуйидаги ўта зарур нашриёт маҳсулотларини: меҳнат ғалабаларини тақдирлаш учун чиройли, рангли Давлат байроғи ҳилпираб турган Фахрий Ёрлиқ, ҳисоб жадваллари ва янги лотин алифболари билан бойитилган ўқув дафтарлари, миллий, маънавий ҳамда диний маданиятимиз илдизлари мужассамлашган китобларни, тўй ва юбилей таклифномаларини чоп этиб, аҳоли эҳтиёжини қондириш имкониятига мушарраф бўлди.

Нашриёт маҳсулотлари анча арзон. Ҳар хил устама нархларсиз, сизга қулай тўлов шаклларида ҳисоб-китобни амалга оширади.

**Фондининг ҳисоб рақами 20212000100116940 01 ИХТ «Пахта банк»да банк коди 00394.**

Шунингдек, юқори сифатли 4 хил русумдаги бурланган (мелованний) қоғоз маҳсулотларини ҳам

**ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

**Тўлиқ ахборот учун телефонлар (3712) 34-67-77. 34-77-68.**
**Манзилимиз: Тошкент ш. Кренкель кўчаси, 5-уй.**

*Халқаро Шароф РАШИДОВ фонди.*


Ўзбекистон Фанлар Академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси илмий ходими Д. Е. Енгулатовага отаси **ЕНГУЛАТОВ Ибрагим Абдуллаевичнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририят ходими Адиба Ғойибовага отаси **Худойназар ҒОЙИБОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойўл» жамоаси концерни ходими Н. Н. Усмоновга отаси **Нажмитдин ота УСМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

**(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 5 январда чиқади).**

# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

## «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИГА ҚАРАШЛИ

## «ТОШКЕНТНОН» ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси халқини кириб келаётган 1998 йил — Янги йил айёми билан қутлайди! Янги йил ўтаётган йилимиздан ҳам муваффақият ва қувончларга бой бўлсин.

Мамлакатимизда ғаллакорларга берилаётган амалий ёрдамлар, кўмак ва ғамхўрликлар туфайли ғалла мустақиллиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг ажойиб самарасини бермоқда.

Биз нон ишлаб чиқарувчилар ўз навбатида ана шу ҳосилдан сифатли маҳсулотлар тайёрламоқдамиз.

Айни пайтда кўплаб янги нон маҳсулотлари корхоналари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Қатор қўшма корхоналар ҳам ишлаб турибди. Пойтахтимиз дастурхонига ҳар куни 450-460 тонна бўрсилдоқ нон ва нон маҳсулотлари етказиб бераётганлигимиздан бахтиёрмиз.

Халқимизни Янги йил айёми билан табриклар эканмиз, мустақил ватанимиз пойтахти Тошкент аҳолиси ва меҳмонларини мазаси тилда қоладиган нон ва нон маҳсулотлари билан хушнуд этаверамиз. Тошкент — нон шаҳри деган муқаддас каломнинг шуҳратини ошираверамиз. Бу ишда биз камарбастамиз. Яна бир ниятимиз шуки, юртимизнинг ҳар бир гўшасида нон ҳиди таралаверсин! Нон — тинчлик, осойишталик ва фаровонлик рамзидир.



**«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИГА ҚАРАШЛИ «ТОШКЕНТНОН» ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЖАМОАСИ.**

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРОЕВ, навбатчи Б. АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0887

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА